Тошкент оқшоми

2016 ЙИЛ 17 ФЕВРАЛЬ, ЧОРШАНБА

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 34 (13.097)

Баҳоси эркин нархда

Болалар спорти

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



ҚУДРАТЛИ МАМЛАКАТНИНГ СОҒЛОМ АВЛОДИ

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида баркамол авлодни тарбиялашнинг самарали омили бўлган болалар спортини ривожлантиришга қаратилаётган улкан эътибор ва ғамхўрлик юксак самаралар бераётир.

Бугун ёшларни жисмоний ва маънавий ривожлантиришга қаратилган бу тизимнинг йўлга қўйилгани ҳар томонлама тўғри бўлганини ҳаётнинг ўзи тасдиқламоқда. Шаҳару қишлоқларимизда бунёд этилган замонавий спорт мажмуаларида болалар спорт билан мунтазам шуғулланиб, саломатлигини мустаҳкамламоқда. Соғлом, кучли, мард ва қатъиятли бўлиб камолга етмоқда.

Юртимиздаги барча спорт мактабларида тиббиёт бўлимлари мавжуд бўлиб, юқори малакали шифокор ва ҳамшираллар болаларнинг саломатлигини, мактабнинг санитария-гигиена ҳолатини доимий назорат қилиб боради. Болалар тиббий кўрикдан ўтказилиб, уларнинг саломатлиги, жисмоний ва руҳий ҳолати қайд этиб борилади.

– Тиббий кўрик натижалари ўғил-қизларнинг бўйи ўсганини, вазни меъёрлашганини кўрсатди. Спорт билан мунтазам шуғулланаётган болаларнинг тетик ва ҳаракатчанлиги, касалликларга чалинмаётгани ота-оналарни хушнуд этмоқда, – дейди пойтахтимиздаги 24-болалар ва ўсмирлар спорт мактаби ҳамшираси Ҳикоят Эгамбердиева. – Спорт болаларнинг нафақат жисмонан соғлом ва бақувват бўлишига ёрдам беради, балки уларнинг хулқи, маънавиятига ҳам ижобий таъсир кўрсатади.

Президентимиз раислигида яқинда Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгашининг йиғилиши бўлди. Унда бу борада амалга оширилган улкан ишлар қайд этилди. Жумладан, қуйидаги маълумотлар келтирилди: 2005 йилда 6 ёшдан 15 ёшгача бўлган болалар ва ўсмирларнинг 30 фоизи, жумладан, қишлоқ жойларда 29 фоизи спорт билан шуғулланган бўлса, 2015 йилда бу рақамлар тегишли равишда 57,2 ва 56 фоизни ташкил этмоқда.

Эътибор беринг: шаҳар ва қишлоқ болалари ўртасидаги фарқ жуда кам. Бу нимани самараси, нимани исботи?! Бу Президентимиз раҳнамолигида барча туманларда, энг чекка қишлоқларда ҳам замонавий спорт мажмуалари бунёд этилганининг самараси. Қишлоқларда шаҳардагидан кам бўлмаган шароит яратилгани, бу борада ҳам адолат таъминланаётганининг далолати.

Тошкентнинг марказида қад ростлаган спорт мактаби билан олис Қўнғиротда барпо этилган спорт мактабида яратилган шарт-шароит, имконият, спорт жиҳозлари ва мураббийлар билан таъминланишининг деярли фарқи йўқ.

Чимбойлик Ботир ака Жанабоев пойтахтга йўли тушганда тўққиз ёшли ўғлини шифокорларга кўрсатди. Улар боланинг соғлиғида муаммо йўқлигини, фақат иммунитети бироз пасайганини, ёш организмни дори-дармондан кўра, спорт билан чиниқтириш самарали эканини айтибди. Отанинг кўнгли хотиржам – ўғли спорт билан шуғулланиши учун туманнинг ўзида етарлича имконият бор.

(Давоми 4-бетда)

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ДЕПУТАТЛАР ОМБУДСМАН ҲИСОБОТИНИ ЭШИТДИЛАР

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда депутатлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг 2015 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботни эшитдилар.

Парламент қуйи палатаси мажлисининг кун тартибига киритилган масалалар дастлаб сиёсий партиялар фракцияларининг ва Ўзбекистон Экологик ҳаракати депутатлар гуруҳининг мажлисларида муҳокама этилиб, таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган эди.

Мажлисда Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили ҳисобот билан сўзга чиқди.

Давлатимиз раҳбари янги чақириқдаги парламентнинг қўшма мажлисида алоҳида таъкидлаган эдиларки, конституциявий ислоҳотлардан келиб чиққан ҳолда, давлат бошқаруви органлари фаолияти устидан, қабул қилинаётган қонунлар, социал-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ривожланишнинг энг муҳим давлат дастурлари сўзсиз ижро этилиши устидан парламент назоратини амалга ошириш бўйича Олий Мажлис палаталарининг ва биринчи навбатда, фракциялар ва депутатлар гуруҳларининг ишлари сифат жиҳатидан янгича асосда ташкил этилиши керак.

Таъкидландики, инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги миллий қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга кўмаклашиш, уларга риоя этилиши мониторингини амалга ошириш, фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш, аҳолининг ва давлат органлари вакилларининг ҳуқуқий онги ва хабардорлигини ошириш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш соҳасида халқаро ҳамкорлик қилиш ҳисобот йилида Омбудсман фаолиятининг асосий йўналишлари бўлди.

Фаолият Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўмиталари, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан яқин ҳамкорликда олиб борилди. Омбудсман, шунингдек, парламентнинг назорат-таҳлил тадбирларида қатнашди. Очиқлик ва шаффофликни таъминлашда иштирок этиш, амнистия акти қўлланилишини мониторинг қилиш Омбудсман ва унинг ҳудудий вакиллари фаолиятида алоҳида ўрин тутди.

Омбудсманнинг фуқаролар мурожаатларини кўриб чиқиш ва уларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш бўйича фаолияти "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) тўғрисида"ги, "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида"ги ҳамда "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги қонунлар нормаларига қатъий мувофиқликда амалга оширилди. Фуқаролар Омбудсманга умумий ва электрон почта орқали, шунингдек, "ишонч телефони" орқали, шахсан қабул қилиш ва жойлардаги учрашувлар давомида мурожаат этдилар.

Аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ва мансабдор шахсларнинг хабардорлигини ошириш мақсадида Омбудсман ҳисобот йилида бир қатор ахборот-маърифий тадбирлар – семинарлар, тренинглар, давра суҳбатлари, конференциялар ўтказди, оммавий ахборот воситаларидаги чиқишларни ташкил қилди, ноширлик фаолиятида иштирок этди.

Омбудсманнинг халқаро ҳамкорлигини ривожлантириш хорижий ҳамкорлар билан ҳам икки томонлама, ҳам кўп томонлама асосдаги алоқаларни кенгайтириш йўли билан амалга оширилди.

Савол-жавоблардан кейин Омбудсман ҳисоботининг батафсил муҳокамаси бўлиб ўтди, муҳокама давомида барча сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон Экологик ҳаракати депутатлар гуруҳининг вакиллари сўзга чиқдилар.

(Давоми 2-бетда)

КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВ — САМАРАДОРЛИКНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Мамлакатимизда халқаро бизнес юритиш тартиб-тамойиллари такомиллашаётгани, корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнлари, акциядорлик жамиятлари фаолиятига корпоратив бошқарув тамойиллари кенг жорий этилаётгани миллий иқтисодиётимизнинг салоҳиятини тобора мустаҳкамламоқда.

Бугун мамлакатимиздаги қарийб барча йирик корхоналар акциядорлик жамиятларига айлантирилган. Корпоратив бошқарув усуллари жорий этилган компаниялар сафи кенгайиб бормоқда. Чет эл капитали ва корпоратив бошқарувнинг хорижий усулларига асосланган корхоналар ҳар томонлама ривожланмоқда. Улар миллий иқтисодиётимизнинг истиқболини белгилашда катта аҳамиятга эга бўлиб, ишлаб чиқариш кўламини кенгайтириш, янги иш ўринларини яратиш борасида муҳим ижтимоий-иқтисодий вазифаларни бажармоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2015 йил 24 апрелдаги "Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув усулларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони бу борадаги ишларни юқори босқичга олиб чиқишда муҳим омил бўлмоқда.

Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув усулларини кенг жорий этиш, уларнинг фаолияти самарадорлигини оширишда соҳа мутахассисларининг малака ва маҳоратини юксалтириш, бу борада халқаро амалиётни ўрганиш ва татбиқ этиш, ўзаро тажриба алмашиш, профессионал бошқарувчиларни тайёрлаш муҳим аҳамият касб этади. Бунда мамлакатимизда ташкил этилган Корпоратив бошқарув илмий-таълим марказининг алоҳида ўрни бор.

Президентимиз Ислом Каримов мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузасида мулкчиликнинг мазкур шакли аҳамиятига алоҳида эътибор қаратди. Корпоратив бошқарув илмий-таълим маркази Германияда жойлашган Европа менежмент ва технологиялар мактабининг фаол иштирокида акциядорлик жамиятларининг раҳбар ходим ва мутахассисларини тизимли асосда тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил қилиш, уларнинг замонавий корпоратив бошқарув усулларини эгаллашини таъминлаш мақсадида ташкил этилганини таъкидлади.

Корхоналарни корпоратив бошқариш бўйича илғор халқаро тажрибани ўрганиш асосида акциядорлик жамиятларининг янги намунавий тузилмаси ишлаб чиқилди ва тасдиқланди. Шу тариқа замонавий корпоратив бошқарув тизими талабларини инобатга олган ҳолда, лавозим ва касбларнинг янги классификатори ишлаб чиқилди, унга бозор иқтисодиёти талабларига мос келадиган 566 янги тоифа киритилди. Ана шу классификатор асосида раҳбарлар таркиби аттестациядан ўтказилди. Бўшаб қолган раҳбарлик лавозимларига пухта билимга эга, замонавий менежмент ва маркетинг усулларини амалда қўллай оладиган малакали ёш мутахассислар тайинланди.

Корпоратив бошқарув илмий-таълим маркази хўжалик бошқаруви органлари, акциядорлик жамиятлари ва тадбиркорлик субъектлари учун бошқарув кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишнинг самарали тизимини ташкил этиш, шунингдек, бизнесни бошқариш ва корпоратив бошқарув соҳасида фундаментал ва амалий тадқиқотлар олиб бориш билан шуғулланади.

Мазкур марказда магистратура ва махсус ўқув курслари ташкил этилган. Икки йиллик магистратура йўналишида хўжалик бошқаруви органлари ҳамда тадбиркорлик субъектларининг 40 ёшгача бўлган, олий маълумотли, камида уч йил иш стажига эга раҳбар ва мутахассислари бизнесни бошқариш мутахассислиги бўйича ўқитилмоқда. Махсус ўқув курсларида магистр даражасига ёки дипломга эга директор, менежер ва бошқарувчилар бизнесни бошқариш ва корпоратив бошқарув бўйича қайта тайёрланиб, малакасини ошираётир.

Марказда бизнесни бошқариш ва корпоратив бошқарувда хорижий тажрибани чуқур ўрганиш, корпоратив бошқарувнинг замонавий усулларини синовдан ўтказиш ва жорий этиш бўйича тадқиқотлар ўтказиш, акциядорлик жамиятларини бошқариш тузилмасини тубдан қайта ташкил этишни илмий-услубий таъминлаш, уларнинг ташкилий шаклларини халқаро талабларга мувофиқлаштириш устида иш олиб борилмоқда.

Таълим муассасасида акциядорлик жамиятларидаги давлатнинг ишончли вакиллари, инвестиция активлари бошқарувчилари, кузатув кенгаши ва тафтиш комиссиялари аъзолари, хусусийлаштириш, қимматли қоғозлар бозори, монополияга қарши тартибга солиш, брокерлик, баҳолаш ва риэлторлик тузилмалари мутахассисларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш ҳам кўзда тутилган. Ўтказилаётган турли халқаро анжуман ва учрашувлар малакали мутахассислар билан фикр ва тажриба алмашиш имконини бермоқда.

Корпоратив бошқарув илмий-таълим марказида нафақат маҳаллий педагоглар, балки етакчи хорижий илмий-тадқиқот ва олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари, халқаро молия-иқтисодиёт ташкилотлари мутахассислари таълим беради. Назарий тайёргарликни амалиёт билан уйғун олиб бориш мақсадида тингловчилар хўжалик бошқаруви органлари, акциядорлик жамиятлари ва тадбиркорлик субъектлари, хорижий компания ва таълим муассасаларига стажировкага юборилмоқда. Хусусан, ўтган йили Германия ва бошқа давлатлардаги етакчи таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчиларини жалб этган ҳолда, мамлакатимиз акциядорлик жамиятлари, банклар ва йирик корхоналарнинг 160 нафардан ортиқ раҳбар ходими корпоратив бошқарув соҳасида малака оширди.

(Давоми 2-бетда)

ХХІ аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Жиззахда Президентимизнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузасида белгилаб берилган вазифалар ҳамда "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури ижросини таъминлаш борасида амалга ошириладиган ишларга бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

● Урганчда фермер хўжаликларининг иқтисодий мустақиллиги ва молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаш, уларнинг фаолияти самарадорлигини янада оширишга бағишланган ўқув-семинар ўтказилди. Хоразм вилояти касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси, вилоят фермерлар кенгаши ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда қишлоқ хўжалиги корхоналари масъул ходимлари, фермер хўжаликлари раҳбарлари ва мутахассислар иштирок этди.

● Андижонда "Ёш авлодни "оммавий маданият"нинг салбий таъсиридан асраш – муҳим вазифа" мавзусида маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

● Наманган давлат университетида бўлиб ўтган ҳуқуқий-маърифий тадбир "Гиёҳвандлик – умр заволи" деб номланди. Унда олий ўқув юртининг профессор-ўқитувчилари, талабалар, оммавий ахборот воситалари ходимлари, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

● Соғлом она ва бола йили муносабати билан "Соғлом оила" шиори остида ўтказилаётган республика оилавий спорт мусобақаларининг Нукус шаҳар босқичи бўлиб ўтди.

ЖАҲОНДА

● Қатар 2032 йилги ёзги Олимпиадани қабул қилиш учун барча шарт-шароитлар мавжуд эканлигини билдирди. Ушбу мамлакат олимпия қўмитаси бош котибининг таъкидлашича, бунинг учун ҳозирнинг ўзидаёқ тўқсон тўққиз фоиз зарур инфратузилма ва иншоотлар тайёр.

● Мексиканинг Монтеррей шаҳридаги "Токо-Чико" қамоқхонасида маҳбусларнинг ғалаён кўтариши натижасида камида эллик киши ҳаётдан кўз юмди.

● АҚШдаги аҳолини рўйхатга олувчи бюро мутахассислари сайёрамиздаги аҳоли сонини ҳисоблаб чикди. Маълумотларга қарағанда, ўтган йили ер аҳолиси сони 1,08 фоизга ёки 78 миллион кишига кўпайган. Жорий йилнинг 1 январь ҳолатига мувофиқ, дунё аҳолиси 7 миллиард 285 миллион 889 минг 256 кишидан иборат бўлди. Бу борада 1 миллиард 367 миллион аҳолига эга Хитой ва 1 миллиард 252 миллион киши истиқомат қилувчи Ҳиндистон етакчилик қилмоқда.

ДЕПУТАТЛАР ОМБУДСМАН ҲИСОБОТИНИ ЭШИТДИЛАР

(Давоми. Боши 1-бетда)

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон либерал-демократик партияси фракцияси вакиллари Омбудсманга хусусий мулкни, тадбиркорлик субъектлари ва фермерлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишни таъминлаш масалаларига катта эътибор қаратишни таклиф этдилар.

Депутатлар иқтисодиётнинг реал сектори вакилларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги қонун ҳужжатларининг ижро этилиши аҳолининг турмуш даражасини янада ошириш, аҳоли бандлигини таъминлаш учун долзарб масала эканлигини ҳисобга олиб, ушбу масалани тез-тез ўрганиш ва мониторингини ўтказиб туриш заруратини таъкидлаб ўтдилар.

Фракция аъзолари, шунингдек, парламент қўмиталари билан ҳамкорлик шакллари ва услубларини такомиллаштириш, тегишли ахборотни мунтазам равишда алмашишни йўлга қўйиш бўйича таклифлар киритдилар. Ҳуқуқий таълимни яхшилаш, жамиятда ҳуқуқий билимларни мустаҳкамлаш бўйича тушунтириш тадбирларини мунтазам асосда ўтказиш муҳимдир.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси фракциясидан сўзга чиққанлар Сайловолди платформаси мақсадларидан ва партия электорати манфаатларидан келиб чиққан ҳолда, қонун ҳужжатларини ва умуман, қонун ижодкорлиги жараёнини янада такомиллаштириш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш мақсадида қўмиталарнинг назорат-таҳлил фаолиятида Омбудсман янада фаол қатнашиши кераклигини қайд этдилар.

Бунда фуқароларнинг Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари билан кафолатланган ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган ишларни кучайтириш зарурати таъкидлаб ўтилди.

Фракция аъзоллари, шунингдек, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ҳуқуқларини, миллий ҳунармандчиликни, оилавий тадбиркорликни, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, Омбудсман ҳудудий вакиллари фаолиятининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш юзасидан Омбудсман фаолиятини янада кучайтириш борасида фикр билдирдилар. Ушбу вазифаларни бажаришда Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилнинг маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, шунингдек, фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлигини кучайтириш зарур эканлиги алоҳида таъкидланди.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси аъзолари давлат ва жамият томонидан ижтимоий кўмакка муҳтож бўлган аҳолининг барча қатлами, шу жумладан, пенсионерлар ва ногиронлар, шунингдек, уларнинг ижтимоий ҳимояси билан шуғулланувчи бюджет ташкилотлари ходимлари, ижтимоий соҳа вакиллари манфаатларини ҳимоя қилишда фаол иштирок этишини ўзларининг энг муҳим вазифаси деб ҳисоблашларини баён этдилар.

Бу борада ўтган даврда фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича муҳим демократик институтга айланган Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилнинг фаолияти долзарб аҳамият касб этади. Фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлаш мақсадида давлат ҳокимияти органларининг фаолияти устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш зарурлигига алоҳида эътибор қаратилди.

Мажлисда Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил ва унинг ҳудудий вакиллари номига келиб тушган фуқароларнинг мурожаатлари таҳлилига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликларини таъминлаш устидан таъсирчан назоратни амалга ошириш, уларнинг бузилиши эҳтимоли сабабларини аниқлаш бўйича яқин ҳамкорлик қилиш депутатлар, сиёсий партиялар фракцияларининг келгусидаги қонун ижодкорлиги ва назорат-таҳлил фаолиятида муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси фракцияси вакиллари ўз Сайловолди дастурларидан келиб чиққан ҳолда, давлат фуқароларнинг ижтимоий ва иқтисодий ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг ишончли кафолати бўлиши кераклигини таъкидлаб ўтдилар. Биринчи навбатда, ижтимоий адолатни таъминлаш, ҳар бир инсоннинг меҳнат қилиш, ишни эркин танлаш, малакали тиббий хизмат ва таълим олишга бўлган ҳуқуқини амалга ошириш, қулай турмуш шароитларини яратиш бўйича ишларни янада такомиллаштириш зарур.

Шу билан бирга, фракция вакиллари ҳисобот йилида келиб тушган такрорий мурожаатларнинг сонига эътибор қаратдилар. Шу сабабли Омбудсманга давлат органлари ва бошқа органлар билан икки томонлама муносабатларни мустаҳкамлаш орқали шу каби мурожаатларнинг сонини қисқартиришга эришиш таклиф этилди. Бу давлат тузилмалари фаолиятининг очиқлиги, шаффофлиги ва самарадорлигини янада оширишга хизмат қилади.

Ўзбекистон Экологик ҳаракати депутатлар гуруҳи аъзолари фуқароларнинг экологик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалаларига Омбудсман эътиборни кучайтириши юзасидан фикр билдирдилар.

Хусусан, улар Ўзбекистоннинг ноқулай экологик ҳудудларида аҳолининг соғлиғини ва атроф-муҳитни муҳофаза қилишга қаратилган қонун ҳужжатларига риоя этилиши мониторингини кўпроқ ўтказишни, Ўзбекистон Экологик ҳаракати томонидан ўтказиладиган табиатни муҳофаза қилишга доир тадбирларда қатнашишни тавсия этдилар.

Ҳар томонлама муҳокама қилиш давомида билдирилган фикр-мулоҳазаларни инобатга олган ҳолда, депутатлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг 2015 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботни маъқулладилар ва тегишли қарор қабул қилдилар.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ўзининг ваколатига тааллуқли бошқа масалаларни ҳам кўриб чиқди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Ахборот хизмати

КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВ — САМАРАДОРЛИКНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Германиянинг "Даймлер", "Сименс", "БМВ", "Люфтганза", "Тиссен Крупп", "МАН", "Кнауф" сингари 25 етакчи компанияси ташаббуси билан 2002 йилда асос солинган Европа менежмент ва технологиялар мактабида "Бизнесни бошқариш", "Раҳбар ходимлар учун бизнесни бошқариш" сингари халқаро стандартлар асосидаги ўқув дастурлари ташкил қилинган. Таълим даргоҳининг бир гуруҳ мутахассис ва профессор-ўқитувчилари томонидан "Ўзбекнефтгаз", "Ўзвиносаноат-холдинг" компаниялари, "Ўзқурилишматериаллари", "Ўзэлтехсаноат", "Ўздонмаҳсулот", "Дори-дармон", "Кафолат суғурта компанияси", "Ўзкимёсаноат", "Ўзбекэнерго" акциядорлик жамиятлари сингари йирик корхоналарнинг раҳбар ходимлари корпоратив бошқарув усуллари бўйича ўқитилди.

– Ўзбекистон билан ҳамкорлигимиз изчил ривожланмоқда, – дейди "Сименс" компаниясининг стратегия ва бизнес тараққиёти бўйича директори Карстен Хасбах (Германия). – Ўтган йилларда мамлакатингизда кўплаб лойиҳаларни амалга оширдик. Ўзбекистон жўғрофий жойлашуви ва иқтисодий имкониятлари билан германиялик ишбилармонлар учун ғоят жозибадор. Халқаро конференциялар, симпозиум, бизнес форум ва учрашувлар турли йўналишлар қатори компанияларни самарали бошқариш борасида ўзаро тажриба алмашишга, ҳамкорликни янада ривожлантиришга, кўшма бизнес лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишга хизмат қилмоқда.

Вена молиявий ҳисобдорлик тизимини ислоҳ қилиш маркази раҳбари Анри Фортиннинг фикрича, иқтисодиётда давлат иштирокини қисқартириш ва хусусий секторни рағбатлантириш аксарият давлатларда долзарб вазифадир. Ўзбекистонда давлат мулкини хусусийлаштириш бўйича пухта ўйланган стратегиянинг амалга оширилаётгани ва менежерларнинг чуқур билимга эга экани ушбу жараён муваффақиятини таъминлашда муҳим омил бўлмоқда.

Бизнесни капиталсиз изчил ривожлантириш мушкул. Инвесторларнинг бошқарув ва назорат тизими ишончли бўлмаган компанияга сармоя киритмаслиги табиий. Зеро, корпоратив бошқарув инвестицион қарорларни қабул қилишнинг асосий омилларидан бири бўлиб, ҳар қандай сармоядор корпоратив бошқарув тизими ҳар томонлама пухта йўлга қўйилган компанияга инвестиция киритишни маъқул кўради.

Мамлакатимиздаги қулай бизнес муҳити, хорижий сармоядорларнинг манфаатларини таъминлашга қаратилган имтиёз ва кафолатлар хорижлик ишбилармонларнинг юртимиз иқтисодиётига қизиқиши ва ишончини тобора оширмоқда.

– Ўзбекистонда фаолиятимизни 1991 йилда йўлга қўйганмиз, – дейди Жанубий Кореянинг "Шиндонг Энерком" компанияси президенти Ким Юн Сук. – Мамлакатингизнинг иқтисодий ривожланиш босқичларига бевосита гувоҳмиз. Президент Ислом Каримов раҳнамолигида эркин бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш борасида ғоят оқилона сиёсат юритилмоқда. Хусусийлаштириш, корпоратив бошқарувни ривожлантириш, иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш, ишлаб чиқаришни модернизация ва диверсификациялаш жараёнлари натижасида Ўзбекистон иқтисодиёти изчил тараққий этмоқда. Шу боис хорижий инвесторлар мамлакатингизга ҳеч иккиланмай сармоя киритмоқда. Келгусида ҳам қатор истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш бўйича ҳамкорликни давом эттирамиз.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан корпоратив бошқарув тизимини ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар мамлакатимиз иқтисодий қудратини мустаҳкамлаш ва халқимиз ҳаёти фаровонлигини янада оширишга хизмат қилади.

Нодира МАНЗУРОВА,
Ўза мухбири



Пойтахтимизнинг Олмазор туманида жойлашган "Orange Textile" корхонасининг харидоргир газламалари барчага манзур бўлмоқда.

Аъло Абдуллаев олган сурат

Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари

МАҲАЛЛА МАСЛАҲАТЧИЛАРИ УЧУН ЎҚУВ-СЕМИНАР

Юнусобод иқтисодиёт касб-ҳунар коллежида Юнусобод туманидаги фуқаролар йиғинларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари учун ўқув-семинар ўтказилди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Хотин-қизлар қўмитаси, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, "Оила" илмий-амалий маркази шаҳар бўлимлари ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда давлат ва нодавлат ташкилотлари, диний идоралар вакиллари, олимлар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари, шаҳар Хотин-қизлар қўмитаси раиси Ф.Абдураҳимова, Ўзбекистон "Маҳалла" хайрия жамоат фонди республика бошқаруви раиси ўринбосари Д.Мирзажонова ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида хотин-қизларнинг оила ва жамиятдаги мавқеини юксалтириш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, қизларни турмушга тайёрлаш, уларнинг иш билан бандлигини таъминлаш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш каби масалалар давлатимиз сиёсатининг устувор вазифаларига айланганлигини таъкидлаб ўтдилар.

Жумладан, улар Президентимизнинг 2004 йил 25 майдаги "Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони асосида фуқаролар йиғинларида диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар лавозими ташкил этилгани, жамиятимиздаги маънавий муҳитни мустаҳкамлашда, хотин-қизлар фаолиятини, мавқеини янги сифат босқичига кўтаришда алоҳида аҳамият касб этувчи дастуруламал бўлаётганлиги ҳақида ҳам сўз юритдилар.

Бугунги кунда шаҳримиздаги маҳаллаларда ҳаётий тажрибага ва аҳоли орасида обрў-эътиборга эга, миллий ва диний удумларимизни яхши биладиган хотин-қизлар фаолият олиб бормоқда. Улар миллий урф-одатларимизни асраб-авайлаш, қадриятларимизни қадрлаш, оилаларни мустаҳкамлаш, ёшларимизни турли ёт ғоялардан муҳофаза қилиш, қизларни касб-ҳунарга ўргатиш, эрта турмуш қуришнинг олдини олиш ишларига муносиб ҳисса қўшмоқда.

Олиб борилаётган ҳар бир иш негизида, хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрни ва нуфузининг янада юксалиши, оила мустаҳкамлиги, оналик ва болалик бахти, аёллик саодати, уларнинг нурафшон эртасига хизмат қиладиган долзарб вазифалар ва ишларнинг кенг қамрови мужассамланган.

— Хотин-қизлар, жамиятнинг фаол иштирокчиси бўлиши билан бирга, оилада ҳам фариштали, сариштали бека, ҳаётга муҳаббат берувчи, яшашга мазмун ато этувчи, гўзаллик ва яхшилик сари ундовчи азиз ва мукаррам зотдир, – дейди "Шодлик" маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Фотима Бўриева. — Ўтказилаётган бу каби тадбирлар эса, аёлларимизни, қизларимизни жамият ва оила олдидаги аёллик, оналик бурчларини чин кўнгилдан адо этишга, маънавий, сиёсий-ҳуқуқий савиясини оширишга шунинг билан бирга янада огоҳ ва сергак бўлишга чорлайди.

Тадбирда хотин-қизларнинг жамиятдаги нуфузини янада ошириш, ҳар соҳадаги изланиш ва интилишларини қўллаб-қувватлаш, қулай меҳнат шароитларини яратиш, ижтимоий ҳимоялаш, йўл-йўриқ кўрсатиш, манфаатларини ҳимоялаш борасидаги ишларни амалга ошириш, диний экстремистик оқимлар таъсирининг олдини олиш, маънавий муҳитни барқарорлаштиришда маслаҳатчилар олдида турган муҳим ва долзарб вазифалар белгилаб олинди.

Гулчеҳра ДУРДИЕВА

Юнусобод тумани ҳокимининг ҚАРОРИ

ЮНУСОБОД ТУМАНИДА 2016 ЙИЛДА ҲАҚ ТЎЛАНАДИГАН ЖАМОАТ ИШЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 19 июлдаги "Ҳақ тўланадиган жамоат ишларини ташкил этиш тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида"ги 353-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари тўплами, 1999 й., 7-сон, 40-модда) ижросини таъминлаш, иш қидираётган шахс сифатида туман Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказида рўйхатга олинган фуқароларга уларнинг вақтинча иш ҳақи олиши ва иш қидираётган даврида уларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, марказ томонидан "ишсиз" деб эътироф этилган фуқароларни вақтинча иш билан таъминлаш учун шарт-шароитлар яратиш, биринчи марта иш қидираётган ва касби бўлмаган шахсларни меҳнат фаолиятига жалб қилиш мақсадида ҳамда туман Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказининг 2016 йил 21 январдаги 02-ЕП/86-сон хати билан берилган таклифини инобатга олиб,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Юнусобод туманида 2016 йилда ҳақ тўланадиган жамоат ишларини ташкил этувчи корхона ва ташкилотлар рўйхати иловага асосан тасдиқлансин.

2. Ҳақ тўланадиган жамоат ишларини ташкил этувчи корхона, ташкилотлар раҳбарларига:

иловада қайд этилган ҳақ тўланадиган жамоат ишларини ташкил этиш таъминлансин;

жамоат ишларига жалб қилинган фуқаролар меҳнатига ҳақ тўлаш харажатларининг маҳаллий давлат ҳокимияти органларига қарашли корхона ва ташкилотлар бўйича 50 фоизи иш берувчилар маблағлари ва 50 фоизи маҳаллий бюджет ва иш билан таъминлашга кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан, бошқа корхона ва ташкилотлар бўйича 75 фоизи иш берувчилар маблағлари ҳисобидан, 25 фоизи иш билан таъминлашга кўмаклашиш давлат жамғармаси ҳисобидан амалга оширилсин;

туман Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази йўлланмаси бўйича ҳақ тўланадиган жамоат ишларига юборилган фуқароларни жамоат ишига қабул қилинганлиги тўғрисидаги маълумот 3 кун муддатда марказга ёзма равишда хабар қилинсин.

3. Туман Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази (Д.Рашидов):

корхона ва ташкилотлар раҳбарлари томонидан мазкур қарорнинг тўлиқ бажарилиши юзасидан қатъий назорат ўрнатсин;

ҳақ тўланадиган жамоат ишларига юборилган ва иш билан таъминланган фуқаролар белгиланган тартибда ҳисобга олинсин.

4. Туман ҳокимлигининг ташкилий назорат гуруҳи (Ж.Набиев) ва Тошкент шаҳар ҳокимлигининг "Компьютерлаштириш маркази" ДУКнинг Юнусобод туман тармоқ администратори (А.Абдумаликов):

Мазкур қарор "Тошкент оқшоми" ва "Вечерний Ташкент" газеталарида расмий эълон қилинсин ва www.yunusobod.uz веб-сайтига жойлаштирилсин.

5. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

6. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари С.Касимов зиммасига юклансин.

Юнусобод тумани ҳокими
Ш.Азимджанов

2016 йил 25 январь

Қарорнинг илова қисми билан Тошкент шаҳар ҳокимлигининг tashkent.uz сайти орқали танишиш мумкин.

Анжуманлар

ҲУҚУҚИЙ БИЛИМЛАРИ ОШИРИЛДИ

Мамлакатимизда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ва яратувчанлик ишлари ҳақида гап кетганда, энг аввало, ижтимоий-иқтисодий ва бошқа соҳалардаги ислоҳотларимизнинг ҳуқуқий асослари доимий равишда такомиллаштирилиб борилаётганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Куни кеча Тошкент шаҳар ИИББда Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва юридик таъминлаш бўлими томонидан ўтказилган илмий-амалий семинар ҳам Тошкент шаҳар ИИББ ходимларининг ҳуқуқий билимларини ошириш мақсадида ташкил этилди.

Унда сўз олган Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси ходимлари Б.Иброҳимов, А.Бердиев ва бошқалар ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш, давлат ва жамият ҳаётининг барча жабҳаларида қонун устуворлигини таъминлаш, давлат бошқаруви фаолиятида қонунийликни мустаҳкамлаш, шунингдек, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини сифатли тайёрлашда юридик билим муҳим ўрин тутиши ҳақидаги фикрларни билдириб ўтдилар.

Таъкидланганидек, мустақиллик йилларида мамлакатимизда юридик хизмат ходимларининг ҳуқуқий мақомини белгилаш бўйича норматив-ҳуқуқий база тубдан янгиланди. Унга кўра, юридик хизмат ходимларининг ташкилотлар олдига қўйилган вазифаларни амалга оширишда, шу жумладан муҳим қарорлар қабул қилишда уларнинг иштироки доираси янада кенгайтирилиб, масъулияти оширилди.

Хусусан, ҳукуматимиз томонидан юридик хизмат фаолиятини тартибга солиш мақсадида ушбу соҳага бевосита дахлдор бўлган Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 24 августдаги "Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари фаолиятини ҳуқуқий таъминлаш даражасини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинган бўлиб, ҳозирда мазкур ҳуқуқий ҳужжат юридик хизмат фаолиятини такомиллаштиришда самарали татбиқ этилмоқда.

— Мамлакатимизда юридик хизмат соҳасида олиб борилаётган ислоҳотлар ва юридик таълимнинг такомиллашуви кучли ҳуқуқий демократик давлатнинг ривожланишига, миллий қонунчилик тизимини янада такомиллаштиришга ҳамда ташкилотлар ходимларининг ҳуқуқий билимлари ва маданиятини юксалтиришга хизмат қилмоқда, — дейди Тошкент шаҳар ИИББ Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва юридик таъминлаш бўлими бошлиғи ўринбосари, подполковник Тўлаган Абдуллаев. — Ўйлайманки, бугун анжуманда иштирок этган Тошкент шаҳар ИИББнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш ва хўжалик шартномаларини тузишга масъул бўлган тизимлар ходимлари ўзларига керакли, зарур бўлган маълумотларни олдилар ва уни амалиётда албатта қўллайдилар.

Шоира МУҲАМЕДОВА

Таълим

КЎРГАН КЎЗ ҚУВНАЙДИ

Ўғли ёки қизи Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида ўқиётган ота-оналар узоқ вилоятдан Тошкентга келса, кўнгли тоғдек кўтарилиб қайтиши аниқ. Чунки университет талабалари ихтиёрига топширилган замонавий ётоқхона четдан борган ҳар қандай кишини ҳайратга солади.

Талабалар турар жойи тўрт қават бўлиб, ичкарига киришингиз билан шинамлик, тозалик, озодалик ва батартиблик кўзга ташланади. Президентимизнинг 2013 йил 23 майдаги "Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида"ги Қарори асосида қуввати 330 ўринли, биринчи ва иккинчи талабалар уйининг фойдаланишга топширилиши ёшларга оид давлат сиёсатининг яна бир ёрқин кўриниши бўлди, десак янглишмаймиз.

Ҳар иккала замонавий иншоотнинг қурилиш-таъмирлаш ишлари учун 105,3 миллиард сўм маблағ сарфланди. Биринчи талабалар турар жойининг умумий майдони 6529 метр квадрат бўлиб, бажарилган иш ҳажми 4,1 миллиард сўмни ташкил қилди.

— Ушбу турар жойга кўчиб кирганимизда, мени қанчалик ҳаяжон чулғаб олганини тасаввур қилиш қийин, — дейди университетнинг инглиз филологияси факультети 1-босқич талабаси Юлдуз Абдуллаева. — Биз талабалар кундалик турмушда фойдаланишимиз мумкин бўлган маиший техника воситаларига ҳам эга бўлдик. Мамлакатимизда ишлаб чиқарилган музлатгич, тефал, дазмол, микротўлқинли печ, ҳаттоки кир ювиш машинаси ҳам ихтиёримизга берилган.

Ҳар иккала талабалар турар жойида кутубхона, дам олиш, ювиниш хоналари бўлиб, ёшлар худди ўз уйида истиқомат қилгандек бир-бирига ака-ука, опа-сингилдир. Ошхонада эса ҳар куни хушбўй таомларнинг ҳиди таралиб туради.

Ҳулкар КУЗМЕТОВА

Ёшларга оид давлат сиёсати — амалда



Оқил Ғуломов олган суратлар

ИНГЛИЗЧАДА БИЙРОН СЎЗЛАЁТГАН БОЛАЛАР

...Пойтахтимизнинг Учтепа туманидаги 436-мактабгача таълим муассасасининг мактабга тайёрлов гуруҳида инглиз тили сабоғи. Муаллима Юлия Мухина иккинчи қаторда ўтирган болакайни мулоқотга тортди. Инглизчани меҳр билан ўрганаётган Фирдавс қаддини ғоз тутганича исми-фамилияси, ёши, ота-онаси, муаллима опаси ҳақида сўзлаб берди.

Телевизор, DVD, компьютер, сўзловчи алифбо ва бошқа тарқатма материаллар билан жиҳозланган бу хонада кичкинтойлар инглиз тили муҳитида сабоқ олади. Машғулотлар нутқ ўстириш тарзида, атроф-муҳит ва боланинг ёшига мос бошқа мавзулар асосида олиб борилади. Болалар ҳар ойда ўртача 20-30 тадан сўзни инглизча талаффуз қилишни ўрганади.

Замонавий мактабгача таълим муассасаларига кирсангиз, мўъжизалар олами тушиб қолгандек бўласиз. Бир томонда эртак қаҳрамонларининг тасвири туширилган сеҳрли шаҳарча, бир томонда хорижий тиллардаги ўсимлик, жониворлар тасвирланган плакатлар, яна бир томонда кўм-кўк бўлиб, инсоннинг бахри дилини очувчи гуллар, манзарали дарахтлар...

– Инглиз тилида гапириш ва ёзишда, табиийки, муайян қийинчиликлар бор, – дейди кўпгина Юлия Мухина. – Мактабга тайёрлов гуруҳидаги болаларда сўзларни эшитиб, сўнг уларни қайта такрорлаш орқали ёдлаб олиш қобилияти кучли бўлади. Шунинг учун ҳам дарслар асосан оғзаки тарзда олиб борилади. Яъни ўқувчиларда дастлаб ўқиш ва ёзишни эмас, балки инглизча сўзларни эшитиш орқали кўникма ҳосил қилинади, сўнг улар сўзларни ёд олишади. Бунда қўлланмаларнинг соддалиги, айниқса, инглиз тилидаги видеодастурлар, мультфильмлар, ўйин ва қўшиқлар тарзида берилган машқлар ўқувчиларнинг чет тилини тез ва осон ўзлаштиришига имкон яратади.

2012 йил 10 декабрда Президентимиз томонидан қабул қилинган "Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарор ҳам улғайиб келаётган ёш авлоднинг тил ўрганиши учун кенг имконият яратди.

Мутахассисларнинг фикрича, кўп тилни билиш инсон фикрини янада теран қилиб, мулоқот доирасини кенгайтиради. Уни ёшликдан ўрганиш худди тошга ўйилган нақш каби сўзларни хотирада мухрлайди. Шу маънода, кичкинтойларнинг мактабгача таълим даргоҳларида инглиз тилини ўрганаётганлари айни муддаодир.

– Мактабгача таълим муассасаси бола кўнглини тушуниш, уни тинглаш, у билан дўст тутиниш учун биринчи масъулдир, – дейди Учтепа туманидаги 436-мактабгача таълим муассасаси мудираси Муборак Бўстонқулова. – Шу сабабли бу ерда ишловчи ходим, аввало, болаларни, ўз ишини яхши кўриши жуда муҳим. Тўрт юзга яқин бола тарбияланаётган даргоҳимизда мусиқа, тасвирий санъат, рақс, спорт, экология каби тўгараклар фаолияти йўлга қўйилган.

Президентимиз қарори юксак самара бермоқда. Болаларига қўшилиб ота-оналар ҳам чет тилларни ўрганиб, тушуниб бормоқда.

Азима ҚИЁСОВА,
ЎзА мухбири

Коммунал хизмат: бурч ва масъулият

ҲИСОБЛИ ДЎСТ АЙРИЛМАС

Бугун ўтаётган ҳар бир кунимиз ўзгариш ва янгиликларга бой. Ҳаётимиз тобора фаровонлашиб бормоқда. Кўнглимизда эзгу орзу ниятларимиз кўп. Буларнинг барчаси аввало юртимиздаги тинчлик ва осойишталик, қолаверса, инсон манфаатларини кўзлаб амалга оширилаётган изчил ислоҳотларнинг самараси албатта.

Дарҳақиқат, юртимиз кун сайин равнақ топиб, аҳолининг яшаш тарзи ҳам тобора яхшиланмоқда, негаки инсон омили — фуқароларимизни рағбатлантириш, уй-жой ва маиший шарт-шароитларини янада яхшилаш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланган. Фикримизни биргина пойтахт аҳолисига кўрсатилаётган хизматлар салмоғи билан давом эттирадиган бўлсак, Тошкент шаҳрида кундалик турмушнинг ажралмас қисмига айланган газ, электр, иссиқ сув ва иссиқлик, ичимлик суви таъминоти ва маиший чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш юмушларининг сифатли бажарилишини таъминлаш бўйича катта саъй-ҳаракатлар олиб борилмоқда.

Бир мисолга эътиборимизни қаратсак. Барчамиз, ҳар бир оила аъзоси эрталаб ишга, ўқишга ёки қўйингки, бирон юмуш билан кўчага чиқиш учун ювиниб-тараниб, кийиниб, кўнглимиз хотиржам йўлга тушамиз. Чунки хонадонимизда чироғимиз ёниб турибди, газда чой қайнаяпти, иссиқ сув ва иссиқлик маромида — демак барча қулайликлар бор. Лекин шу ўринда ўйлаб ҳам кўрмаймиз: бир кун электр, сув, газда узилиш рўй берса нима бўлади?

Тўғри, юртимизда табиий газ, нефть, қазиб олинаётган кўмир ва бошқа табиий бойликлар мамлакатимиз аҳолиси эҳтиёжларини бемалол қондира олади. Лекин бу дегани ҳамма нарса етарли, ундан истаганча фойдаланса, исроф қилса ҳам тугамайди дегани эмас. Бу билан нима демоқчимиз. Аҳоли фаровонлиги, хонадонларимизда ҳамма нарсанинг бекаму кўст бўлиши, янада яхшироқ сифатли хизмат кўрсатишга қаратилаётган барча саъй-ҳаракатлар айрим ҳамшаҳарларимизнинг беэътиборлиги, лоқайдлиги, бурч ва масъулиятни унутганлари туфайли кутилган натижани бермаяпти. Яна ҳам аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, кўрсатилаётган хизматлар учун аҳоли томонидан тўловларнинг ўз вақтида тўланмаслиги бир қатор муаммоларни келтириб чиқармоқда.

Афсуски, ҳамма истеъмолчилар ҳам буни тушунмайдилар. Бу борада жуда кўп гапирамиз, ёзамиз, хонадонларда бўлиб суҳбатлар, тушунтириш ишларини олиб борамиз, лекин натижа кутилганидек эмас. Ҳатто тўлов қобилияти бўла туриб, уч йиллаб кўрсатилган хизмат учун тўловни тўламаслик қайси "ақл тарозиси"га тўғри келади, ахир. Ҳамма нарсанинг охири бор, сиз фойдаланаётган барча табиий неъматларнинг истеъмолга яроқли бўлиб хонадонингизга кириб келиши учун қанча маблағ, қанча меҳнат сарф бўлишини тасаввур қила оласизми?

Шаҳар коммунал хизмати мутасаддиларининг берган маълумотларига кўра, пойтахт аҳолиси орасида умумий ҳисобда қарздорлик йиллар мобайнида йиғилиб, анчагина катта миқдорни ташкил этади. Агар ушбу масалага анча жиддий, қонун доирасида ёндошилса ўша қарздорлар аллақачон газсиз, чироқсиз, иссиқлик қувватисиз қолиши мумкин эди...

Халқимизда "Қарс икки қўлдан чиқади", деган ибратли нақл бор. Бизга етказиб берилаётган тоза ичимлик сувининг ўзи — бебаҳо неъматлигини қачон тушуниб етамиз? Эътиборимизни ҳатто тараққий этган айрим хориж давлатларига қаратсак, оддийгина ичимлик сувининг катта-катта супермаркету гипермаркетлардан аҳоли сотиб олишидан хабардор бўламиз.

Ҳа, у давлатларда хонадонлардаги кранлардан келадиган сувлар техник сув бўлиб, ичишга яроқли эмас, ичиш, чой, ош-овқатга солиш учун кўчадан сотиб олиб келишингиз керак. Биз-чи, ушбу неъматнинг қадрига етмаймиз, ошхонамизда, ваннамизда хоҳлаганча оқиб ётиши мумкин, кран бузилса ойлаб тузатилмай сувнинг исроф бўлишига йўл қўямиз. Ахир сув — оби ҳаёт, нондек муқаддас — унинг ҳам уволи бор. Аччиқ бўлса ҳам очиқ гапни айтишга мажбурмиз. Қуйида барча соҳалар мутасаддилари томонидан берилган маълумотларни келтириб ўтамиз. **Дастлаб йиллар мобайнида сувини ичиб пулини тўламай келаётган истеъмолчилар билан таништирамиз:** Миробод тумани, Талимаржон кўчаси, 16/3-уй, 1-хонадондан Акудина — 756.600, М.Улуғбек тумани, Авайхон 1-берк кўчаси, 8-уйдан Худойберганов — 451.900, Олмазор тумани, Марказ-17/18, 1-уй, 247-хонадондан Қўчқорова — 507.000, Учтепа тумани, Фақирий 2-тор кўчаси, 2-уйдан Мирходжаев — 1.716.100, Шайхонтоҳур тумани, Боғ кўча, 27-блог уй, 8-хонадондан Мирсагатов — 855.000 сўм қарзлари бўла туриб, хотиржам юрибдилар.

Ҳаёт тарзимизнинг бир бўлагига айланган "зангори олов"сиз ҳам бугунги кунимизни тасаввур қилиш қийин. Қозондаги овқатнинг тайёр бўлиши, чойимизнинг қайнаши ва қишнинг совуқ кунларида уйимизнинг исишида газнинг ўрни беқиёс. Унинг қадрига эса ёниб турганда эмас, балки бироз вақт бўлмай қолгандагина етамиз.

Фуқароларимиз орасида мана шундай неъматдан фойдаланишга фойдаланиб унинг ҳақини ўз вақтида тўламаслик ҳолатлари ҳам учраб турибди. "Тошкентгазтаъминот" унитар корхонаси "Тошкентшаҳаргаз" филиали томонидан қарздорлиги бўлган истеъмолчиларга нисбатан бир қатор чоралар кўрилмоқда. "Тошкентшаҳаргаз" филиали бошқармасининг ходимлари билан биргаликда "Тумангаз" фойдаланиш хизматлари қарздорлиги бўлган истеъмолчиларни шартнома шартларига мувофиқ огоҳлантириб, газ таъминотини узмоқдалар. Шунингдек, ҳар бир туманда маҳалла фаоллари билан ҳамкорликда аҳолидан тўловларни ундириш ишлари ташкил этилган. Лекин кўпчилик қарздорлар бундан хулоса чиқаришга шошилмаяптилар. Улар билан ҳам танишамиз: Мирзо Улуғбек тумани, Олтинтепа кўчаси, 295-уйдан Т.Исмоилов — 3.834.558, Мирзо Улуғбек тумани, Олтинтепа кўчаси, 55-уйдан Х.Ортиқов — 3.869.358, Чилонзор тумани, Ҳосилот кўчаси, 16-уйдан Қ.Муратов — 4.948.908, Чилонзор тумани, Чорбоғ кўчаси, 3-тор кўчаси, 1-уйдан М.Мадумаров — 4.305.703, Яшнобод тумани, Ж.Кюри кўчаси, 21-уйдан А.Жабборов — 5.996.200 сўм қарзларини тўлашни пайсалга солиб юрганликларини қандай изоҳлаш мумкин?

Худди шу каби мисолларни ҳар биримиз уззу кун фойдаланадиган электр қуввати ҳақи тўғрисида ҳам келтиришимиз мумкин. Ҳақ гапни айтганда, электрнинг бир кун эмас, 2-3 соат бўлмай қолишига чидай олмаймиз, дарров суриштиришга, телефон қилиб "нега бундай бўляпти, қачонгача" дея бонг ҳам урамиз. Лекин, тўловни вақтида тўлаб қўйиш кераклигини баъзан "эсимиздан чиқариб" қўямиз. Мана, ҳамшаҳарларимиз танишиб қўйишлари мумкин, хизмат ҳақини тўламай келаётганлар: Бектемир тумани, Чашма кўчаси, 32а-уйдан С.Авлиякулова — 2.094.457, Бектемир тумани, Қ.Дарвоза кўчаси, 1а-уйдан З.Муллаянова — 450.238, Юнусобод тумани, 8-мавзе, 37-уй, 29-хонадондан Иминова — 1.008.416, Юнусобод тумани, 19-мавзе, 5-уй, 53-хонадондан Умарова — 1.700.000, Мирзо Улуғбек тумани, Буюк Ипак йўли кўчаси, 392-уй, 11-хонадондан Крислов — 1.640.615 сўмдан қарзларини тўлашни ўйлаб ҳам кўрмаяптилар.

"Тошиссиқлиққуввати" ИЧБ УКси йил давомида шахримизни иссиқ сув, куз-қиш мавсумида иссиқлик билан таъминлаб туради. Лекин, таассуфки, иссиқлик таъминотидан аҳолининг қарздорлиги юқоридагилардан кўп бўлса борки, асло кам эмас. Мана ўзингиз гувоҳи бўлинг: Олмазор тумани, Себзор мавзеси, 35-уй, 10-хонадондан К.Жамолходжаев — 5.004.400, Шайхонтоҳур тумани, Жарариқ мавзеси, 15-уй, 28-хонадондан Д.Инагамова — 5.989.900, Шайхонтоҳур тумани, Гулобод мавзеси, 81-уй, 14-хонадондан Д.Ҳошимова — 6.875.700, Чилонзор тумани, Гулистон мавзеси, 57-уй, 33,35-хонадондан Н.Камолова — 7.097.500, Яккасарой тумани, Бобур 67/4-уй, 35б-хонадондан Н.Мираҳимов — 5.554.200 сўм қарзларини тўлашни хаёлларига ҳам келтирмаётганлари кишини ҳайратга солади.

Ўлкамизга баҳор нафаси кириб келишига ҳам саноқли кунлар қолди. Яқин вақт ичида ҳаммаёқ гўзаллик, ободликдан яшнаб кетади. Гулу райҳонларнинг яшиллигидан кўз қувнайди. Энди тасаввур қилинг, хонадонларимизни, кўчаю йўлакларимизни супуриб-сидириб, тоза-озода ҳолга келтирсагу чиқиндиларни бир ерга йиғиб қўйсак, "Махсустранс" давлат ишлаб чиқариш бошқармаси томонидан хизмат кўрсатилмаса, маиший чиқиндилар вақтида олиб кетилмаса қандай ҳолат юзага келади? Ҳар бир хизматнинг ҳаётимизда ўз ўрни борлигини тушуниб олишимиз зарур. Кўрсатилаётган хизматларнинг сифатли бажарилиши учун аҳолидан тўловлар ўз вақтида тўланиши ҳақли тарзда талаб этилади. **Бу фикрларни "Махсустранс" хизмати учун тўловларни йиллаб тўламай келаётган қуйидаги истеъмолчилар ҳам эшитиб қўйсалар ёмон бўлмасди:** Миробод тумани, Мунис кўчаси, 6-уй, 12-хонадондан Г.Ғаниева — 230.000, Мирзо Улуғбек тумани, Олчабоғ кўчаси, 24-уйдан Н.Ахунов — 210.000, Юнусобод тумани, Ҳошимов 1-берк кўчаси, 9-уйдан А.Ходжиев — 1.000.000, Олмазор тумани, Олча 3-тор кўчаси 12-уйдан А.Отаходжаев — 430.000, Учтепа тумани, Куйи Бўзсув кўчаси, 2-уйдан Х.Абубакиров — 671.000 сўм қарзлари бўла туриб ҳатто пинакларини ҳам бузмаяптилар.

Хулоса ўрнида айтадиган бўлсак, халқимизда "Ҳисобли дўст айрилмас", "Бетга айтганнинг заҳри йўқ" деган доно нақллар бор. Халқимиз тўкинлик, фаровонликда дастурхонидаги бир бурда нонини ҳам меҳмон билан бирга баҳам кўради. Шундай экан, нега бурч ва масъулиятимизни унутиб қўйяпмиз? Тўкин-сочинликнинг қадрига етишимиз, ўз вақтида бунга ўзимизнинг ҳам ҳиссамизни қўшишимиз керак эмасми?

Биз ушбу мавзуга яна қайтишимизни эслатган ҳолда, лоқайдлигу бефарқликка берилмай, коммунал хизматлар учун ўз вақтида тўловни амалга оширишни унутмасликни сўраб қоламиз. Бизга кўрсатилаётган беминнат хизматларнинг савол-жавобида юзимиз шувут бўлиб қолмасин. Шундай эмасми?

Шаҳризода МУҲСИМОВА

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

"TASHKENT REALTOR SERVICE" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши шаклида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига ТАКЛИФ ЭТАДИ!

Очиқ аукцион савдосига Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Шота Руставели кўчаси, 100-уй манзилида жойлашган "MAZEL PLUS" масъулияти чекланган жамиятига тегишли умумий майдони 1042,0 кв.м., шу жумладан ишлаб чиқариш (турар жой) майдони 804,55 кв.м. бўлган "Икки қаватли маъмурий бино" қўйилмоқда, бошланғич баҳоси 2 191 861 000 сўм.

Очиқ аукцион савдоси 2016 йил 18 март куни соат 11.00 да Республика Биржа маркази биносида бўлиб ўтади. Аукцион савдоси шу куни бўлиб ўтмаган тақдирда такрорий савдо 2016 йилнинг 25 март, 8 апрель, 15 апрель, 22 апрель кунлари соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аукцион савдосида иштирок этиш истагини билдирган шахслар "Закалат пули тўғрисидаги келишуви" имзолаганидан сўнг, объект бошланғич баҳосининг 0,5 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини "TASHKENT REALTOR SERVICE" МЧЖнинг "Ипак йўли" АИТБ Тошкент шаҳар Миробод филиалидаги 20208000804876496001 ҳисоб рақамига, МФО: 01101, СТИР: 301 743 808 тўлашлари лозим.

Аукцион савдосида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги ҳужжатларни топшириши керак:

— юридик шахслар учун — давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, ишончли вакил иштирок этганида қонун билан белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома.

— жисмоний шахслар учун — паспорт нусхаси, ишончли вакил иштирок этганида қонун билан белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома.

Мазкур эълонлар бўйича ҳужжатлар 2016 йил 18 март кунидан бошлаб, жамиятнинг расмий иш кунида соат 9.00 дан 16.00 гача Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй, 1-қават, 16-хонада қабул қилинади ва савдодан бир кун олдин соат 16.00 да тўхтатилади.

Қўшимча маълумотларни realtorservice@mail.ru, 147-40-00 телефон рақами орқали олишингиз мумкин. Лицензия RR – №0008.

"KO`CHMAS MULK SAVDO XIZMATI" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига АТ "Халқ банк" Тошкент шаҳар филиалининг 2016 йил 11 февралдаги 125-сонли буюртманомаси ва АТ "Халқ банк"нинг 2014 йил 11 декабрдаги 131/1-сонли Бошқарув қарорига асосан, Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Бунёдкор кўчаси, 6а-уй манзилида жойлашган ер участкасининг умумий майдони 910 кв.метр бўлган 9 қаватли бинонинг 1-қавати бир қисми қўйилмоқда. **Бошланғич баҳоси – 4 849 413 000 сўм.**

Аукцион савдоси 2016 йил 25 март куни соат 15.00 да бўлиб ўтади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2016 йил 23 март куни соат 18.00.

Юқоридаги кўчмас мулк 2016 йил 25 март куни сотилмаган тақдирда, такрорий савдолари 2016 йилнинг 11, 27 апрель ва 12, 27 май кунлари соат 15.00 да бўлиб ўтади. Такрорий савдолар учун аризалар қабул қилишнинг охирги муддати: 2016 йил 11 апрелдаги савдо учун 8 апрель, 27 апрелдаги савдо учун 25 апрель, 12 майдаги савдо учун 10 май, 27 майдаги савдо учун 25 май кунлари соат 18:00.

Савдога қатнашиш учун ариза билан биргаликда қуйидагилар тақдим этилади:

— юридик шахслар учун — давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг савдода қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;

— жисмоний шахслар учун — паспортнинг нусхаси, савдода тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, шунингдек, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;

— аукцион тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган банк ҳисоб рақамига закалат тўланганлигини

Савдо ғолибига 5 (беш) банк иш куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш ва шартнома тузган кундан бошлаб 60 (олтмиш) кун муддат ичида мулк учун тўловларни тўлиқ амалга ошириш мажбурияти юклатилади.

Очиқ аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлар томонидан мулк бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "КМСХ" МЧЖнинг "Ипак йўли банки" АИТБ Сағбон филиалидаги 20208000904920609114, МФО:01036, ИНН:207122519 ҳ/рга савдода иштирок этиш учун ариза топширгунга қадар тўлашлари шарт.

Аукцион ўтказиладиган ва қўшимча маълумотлар олиш учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А-уй. Тел/Факс: (0371) 228-80-23. www.1kms.uz. Лицензия: RR-0001. Электрон почта: rieltsavdo@inbox.uz.

Профессор С.Ҳасанов отоларинголог клиникаси

▶ Барча томоқ-қулоқ-бурун касалликлари диагностикаси ва уларни даволаш;
▶ Гайморит, фронтит, этмоидитларни самарали ва пункциясиз даволаш;
▶ Аллергик ва вазомотор ринитларни даволаш;
▶ Йирингли ва йирингсиз отитларни даволаш. Эшитишнинг ёмонлашуви ва қулоқдаги шовқинни, қулоқнинг замбуруғли шикастланишини (отомикозлар) даволаш;
▶ Болаларда ларингитларнинг тез-тез қузатилиши, томокда нарса тиқилиб қолгандек ҳис этиш, йўтал ва огиздан ҳид келишини даволаш;
▶ Болалар ва катталарда сурункали тонзиллитлар (жарроҳлик усулисиз);
▶ Келин-куёвларга бепул маслаҳатлар.

Қабулни профессор ва юқори малакали мутахассислар олиб боради.

Тел.: 234-36-50, 234-92-65, 187-57-50, 808-29-71
Манзил: "Гидрометцентр" бекати, "Минор" м.б., Осиё кўчаси,12
Хизматлар лицензияланган

"ТОШКЕНТ ОҚШОМИ" ва "ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ"

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (371) 232-11-39. Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 225-хона.

ҚУДРАТЛИ МАМЛАКАТНИНГ СОҒЛОМ АВЛОДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

– Эсласам, тупроқ чангитиб югуришни енгил атлетика, мактаб ҳовлисида тўртта ғиштни “дарвоза” қилиб тўп тепишни футбол, ошиқ билан чиллак ўйинини жисмоний тарбия, деб юраверган эканмиз, – дейди у. – Ҳозир туманимизда замонавий спорт мажмуаси бор. У ердаги шароитларни кўриб ҳавасинг келади. Маҳалламиз болаларининг бўш вақти шу мажмуада ўтади.

Сўнгги йилларда спортчиларимизнинг халқаро мусобақаларда ғалабага эришиши одатий ҳолга айланди. Бундай қувончли воқеаларнинг деярли ҳар куни бўлаётгани ўзбек спортининг жаҳон миқёсида юксак поғонага чиққанидан далолатдир. Аммо бундай натижаларга ўз-ўзидан эришилмаганини, унинг замирида тинимсиз меҳнат, ҳар жиҳатдан пухта ўйланган, кенг қамровли ва тизимли чора-тадбирлар мужассам эканига кўпинча эътибор бермаймиз.

Собиқ тузум даврида қанчадан-қанча истеъдодли спортчилар иқтидорига рағбат кўрсатилмай, улар жаҳон миқёсидаги мусобақаларда иштирок этиш тўғрисидаги истакларини юрагининг туб-тубига яшириб, “тоғу тошлар орасида номи чиқмай” қолиб кетганди.

Президентимиз раҳнамолигида истеъдод соҳиблари ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда, уларга шароит яратилмоқда. Бугун Ватан шаъни учун майдонга чиқиб, Ўзбекистоннинг юксак спорт салоҳиятини бутун дунёга тан олдираётган спортчиларимиз буюк аждодларимизга муносиб ворис бўлишга қодир, ҳар томонлама етук ёшлар камолга етаётганини исботламоқда.

Биргина ўтган йили 1 минг 668 спортчимиз, жумладан, 567 қиз 165 халқаро мусобақада иштирок этиб, 983 медални қўлга киритгани бунинг яққол исботидир. Ёш спортчиларимиз бокс, эркин ва юнон-рум кураши, дзюдо, оғир атлетика, шахмат каби қатор спорт турлари бўйича нуфузли мусобақаларда муносиб иштирок этиб, юксак ғалабаларга эришмоқда.

2015 йилнинг август ойида Босния ва Герцеговинанинг Сараево шаҳрида эркин, юнон-рум ва хотин-қизлар кураши бўйича ўтказилган жаҳон чемпионатида Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси аъзолари муносиб қатнашди.

Мусобақанинг юнон-рум кураши бўйича вазни 46 килограммгача бўлган полвонлар беллашувида қатнашган Тўрабек Тиркашев шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди.

– Ҳар бир беллашувга чиқишдан олдин Президентимизнинг “Болаларим, маррани баланд олинг. Ғалаба бизники, келажак бизники!” деган даъватларини хаёлан такрорлайман. Бу менга куч беради, ғайратимни оширади, – дейди Тўрабек. – Ғалабам шарафига Ватанимиз байроғи баланд кўтарилиб, мадҳиямиз янграганида Президентимизнинг биз, ёшларга билдирган юксак ишончини, оз бўлсада, оқлаганимдан кўнглим фахр-ифтихорга тўлади. Мақсадим, бундан кейин ҳам жаҳон ареналарида Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиш, Олимпия ўйинларида ғалаба қозонишдир.

Эркин ва обод, тинч ва осойишта юртда вояга етаётган ўғил-қизлар ўз ҳаётини Ватани равнақи, эл-юрт тақдирига дахлдор, деб билади. Бу йўлда билим ва салоҳиятини, истеъдоду иқтидорини аямайди. Бундай авлодни ҳеч ким енга олмайди, унинг қадди ҳам, қадри ҳам доимо баланд бўлади. Президентимиз таъкидлаганидек, ана шундай ёшларга эга бўлган, ўз олдига юксак ва улуғ мақсадлар қўйиб яшаётган халқни ўз йўлидан асло тўхтатиб бўлмайди, у ўз мақсад-муддаоларига албатта эришади.

Байрам АЙТМУРОДОВ,
ЎзА шарҳловчиси

Мусобақалар

ҚИЗИҚАРЛИ БЕЛЛАШУВЛАР

Миробод туманидаги 44-болалар ва ўсмирлар спорт мактабида Соғлом она ва бола йили муносабати билан “Соғлом оила” шиори остида ўтказилаётган республика оилавий спорт мусобақаларининг туман босқичи бўлиб ўтди.

Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Миробод туман, тармоқ ташкилотлари ходимлари касаба уюшмаси Кенгашлари томонидан ташкил этилган беллашув кўтаринки кайфиятда ўтказилди.

Мусобақаларда Таълим, фан ва маданият, Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари, соғлиқни сақлаш, Ўзбекистон Фанлар академияси, алоқа, давлат муассасалари ва жамоат хизмати, нефть-газ ва геология, энергетика соҳаси, транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси, Темирйўлчилар ва транспорт қурувчилари ходимлари тармоқ касаба уюшмаларининг туманда фаолият юритаётган корхона ва муассасалар ишчи ва ходимларидан таркиб топган 13 та оила иштирок этди.

Мусобақанинг очилиш маросимида сўзга чиққан Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раиси ўринбосари Т.Тешабоев ришдан иборатдир, — дейди Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ходимлари касаба уюшмаси Миробод тумани Кенгаши раиси Шаҳло Имамова. — Соғлом она ва бола йили муносабати билан ўтказилган ушбу мусобақанинг тармоқлараро босқичи белгиланган Низом асосида юқори савияда, байрамона рухда туман ҳокимлиги, Миробод туман Халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш, туман маданият ва спорт ишлари бўлимлари, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати туман Кенгаши ҳамда тегишли корхоналар томонидан ташкил этилди.

Мусобақада иштирокчиларга кўтаринки кайфият улашиш мақсадида “Баркамол авлод” болалар маркази, мактаб ва мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари билан биргаликда бадиий ҳаваскорлик жамоалари иштирокида маданий дастурлар намойиш қилинди.



ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида спортнинг оммавийлигини таъминлаш, ёш авлодни соғлом вояга етказиш, миллий ўйинларимизни тиклаш ва кенг тарғиб этиш, оилада соғлом турмуш тарзини қарор топтиришга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлаб ўтдилар.

— Мазкур мусобақани ўтказишдан мақсад меҳнаткашларни жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, жисмоний маданият ва ахлоқий бирликни тарбиялаш ҳамда соғлом турмуш тарзини шакллантиришдан иборатдир, — дейди Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ходимлари касаба уюшмаси Миробод тумани Кенгаши раиси Шаҳло Имамова. — Соғлом она ва бола йили муносабати билан ўтказилган ушбу мусобақанинг тармоқлараро босқичи белгиланган Низом асосида юқори савияда, байрамона рухда туман ҳокимлиги, Миробод туман Халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш, туман маданият ва спорт ишлари бўлимлари, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати туман Кенгаши ҳамда тегишли корхоналар томонидан ташкил этилди.

Мусобақада иштирокчиларга кўтаринки кайфият улашиш мақсадида “Баркамол авлод” болалар маркази, мактаб ва мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари билан биргаликда бадиий ҳаваскорлик жамоалари иштирокида маданий дастурлар намойиш қилинди.

Қизиқарли беллашувларда биринчи ўринни тумандаги 294-умумтаълим мактабининг инглиз тили ўқитувчиси Наргизахон Насирдинова ҳамда 218-умумтаълим мактабининг меҳнат фани ўқитувчиси Гулмира Насирдинова оилалари ғолиб чиқиб, мусобақанинг шаҳар босқичига йўлланма олдилар.

Мусобақа ғолиблари ҳамда “Энг чаққон оила”, “Ғалабага бўлган интилиши юксак оила”, “Фаол иштирок этган оила” номинациялари бўйича ҳам ғолиблар аниқланиб, тақдирланди.

* * *

“Соғлом оила” шиори остида ўтказилаётган республика оилавий спорт мусобақаларининг Бектемир туман босқичи 24-болалар ва ўсмирлар спорт мактабида кўтаринки кайфиятда ўтказилди.

Таълим, фан ва маданият, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари, соғлиқни сақлаш, давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари тармоқ касаба уюшмаларининг корхона ва муассасалар ишчи ва ходимларидан таркиб топган 11 та оила шаҳар босқичида иштирок этиш учун ўзаро беллашдилар.

Бир ўғил, бир қиздан иборат оилавий жамоалар югуриш, тўпни нишонга отиш, чаққонлик ва мерганлик, моҳир ҳужумчи, тезлик ва эпчиллик, арқон тортиш каби шартлар бўйича ўз маҳоратларини намойиш этишди.

Қизиқарли ва шиддатли кечган мусобақада 1,2,3-ўрин соҳиблари ва турли номинация совриндорларига эсдалик совғалари ҳамда дипломлар топширилди.

Зиёда РАСУЛОВА



Кўргазмалар

ЭНГ САРА АСАРЛАР НАМОЙИШ ЭТИЛДИ

Ўзбекистон Бадиий академияси Икуо Хираяма Халқаро маданият карвон саройида график рассом Ҳусан Содиқовнинг “Мўъжизалар дунёси” номли шахсий кўргазмаси очилди.

Соғлом она ва бола йилига бағишлаб ўтказилган мазкур кўргазмадан жой олган мусаввирнинг турли халқ эртакларига ишланган иллюстрациялари алоҳида ўринга эгадир. Рангли қалам ва акварелда маҳорат билан ишланган ранг-баранг ижодий ишларидан “Ур тўқмоқ”, “Қурбақа ва малика”, “Алдаркўса ва савдогар”, “Тенги йўқ лофчи” каби суратларни болажонлар катта қизиқиш билан қабул қилишди.

Кўргазмадан рассомнинг юздан зиёд иллюстрацияси ўрин олган.

Мусаввир ишлаган асарлари нафақат мамлакатимиз музейларида, балки чет элларда ҳам жуда машҳур ҳамда Корея, Португалия, Кипр, Туркия, АҚШ, Хитой, Испания, Гонконг, Япония, Россия каби давлатларда ҳам коллекциялари сақланмоқда.

График-рассом, таниқли карикатурачи Ҳусан Содиқов 1960 йили Тошкент шаҳрида туғилган. Унинг расм чизишга бўлган иштиёқи болалигидан юзага чиққан. Унинг бу иқтидорини ота-онаси сезишгач, унга алоҳида эътибор қаратишди. У биринчи синфдаёқ рассомлик тўгарагида билим олди. 6-синфда “Ғунча”, “Гулхан”, “Муштум” журналларида расмлари чоп этилди. 1996 йилдан бери “Муштум” ҳажвий журналида фаолият юритиб келмоқда.

2004-2014 йилларда “Ўзбекистон халқ эртаклари” тўпламлари ўзбек, рус, инглиз, араб тилларида ҳамда жаҳон халқлари эртаклари асосида ишланган иллюстрациялари китоб ҳолида чоп этилган. 2010 йили Ўзбекистон журналистлар уюшмасининг “Олтин қалам” миллий мукофоти ҳамда Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг махсус совриниси соҳиби бўлди.

Кўргазма 28 февралга қадар давом этади.

Ҳабиба ЙЎЛДОШЕВА
Алексей Попов олган сурат

Мамлакатимизда олиб борилаётган туб ислоҳотларнинг мазмуни, халқимиз фаровонлигини ва фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини таъминлашдан иборатдир.

СОХТА ҲУЖЖАТ ПАНД БЕРДИ

Мустақил диёримизда ёш ва кекса авлодга ғамхўрлик кўрсатишга алоҳида эътибор қаратиб келинади. Ҳар бир фуқаро кексайганда нафақа олиш ҳуқуқига эга. Бу норма Бош қомусимиз ва қонунларимизда мустаҳкамлаб қўйилган. Фуқаро пенсия ёшига етганда керакли ҳужжатларни тегишли жойга топширади ва унга амалдаги тартибга кўра пенсия тайинланади. Бир сўз билан айтганда ёши улуғ кишиларга бу моддий мададдир. Орамизда баъзи инсонлар пенсия миқдорини ошириш мақсадида била туриб қалбаки ҳужжатларни тақдим қилиш ҳолатлари учраб турибди.

Пойтахтимизнинг Сергели туманида яшовчи Наргиза Қосимова (исм ва фамилия ўзгартирилган) ана шундайлардан бири. У Нефть ва газ конлари геологияси ҳамда қидирув институтида ишлаган даври ва ойлик иш ҳақи тўғрисидаги маълумотнинг қалбаки эканлигини била туриб, бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси туман бўлимига тақдим этган. Натижада у 8.125818 сўм миқдорида ортиқча пенсия тўловларини қўлга киритган.

Ўтказилган текширув давомида Н.Қосимованинг ишлаганлиги ва ойлик иш ҳақи тўғрисидаги маълумотнома сохта эканлиги маълум бўлди. Оқибатда 8.125818 сўм миқдорида давлатга моддий зарар етказилган. Унинг айби гувоҳлар берган кўрсатмалар билан ҳам ўз тасдиғини топди.

Суд мажлисида судланувчи Наргиза Қосимова айбига тўлиқ иқрор бўлди. У қилмишидан пушаймонлиги, нафақахўрлиги, оилавий ва моддий шароитини инобатга олиб, енгилроқ жазо тайинлашни сўради.

Суд судланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатмаларини тинглаб, иш ҳужжатларини ўрганиб чиқди. Н.Қосимованинг бир гуруҳ шахслар билан тил бириктириб, ҳужжатларни сохталаштирганлиги ҳамда фирибгарлик йўли билан моддий манфаат кўрганлиги маълум бўлди.

Хулоса шуки, қинғир иш эртами кечми фош бўлади. Агарда у оқибатини ўйлаб иш тутганида ташвишга қолмасди. Бироқ у кўпроқ маблағга эга бўлиш учун алдов йўлини танлади. Бу эса унга панд берди. Унинг қилмиши бошқаларга ҳам сабоқ бўлсин.

Шерзод ЮЛДАШЕВ,
Жиноят ишлари бўйича Сергели туман судининг судьяси

Тадбирлар

ЁШЛАР ТАРБИЯСИ ЭЪТИБОРДА

Тошкент давлат юридик университетида Юнусобод тумани ҳокимлиги, Маънавият тарғибот маркази туман бўлими томонидан “Диний экстремизм ва миссионерлик фаолиятига қарши курашишнинг мафкуравий асослари” мавзусида илмий-амалий ўқув-семинари ўтказилди.

Тадбирда сўзга чиққанлар ёшларнинг тарбиясига эътиборли бўлиш, ижтимоий тармоқлардан тўғри фойдаланиш, уларнинг онг ва тафаккурини маънавий бойитиш кераклигини алоҳида таъкидлаб ўтдилар.

— Бизнинг мафкурамизга ёт бўлган турли хил иллатларга қарши курашиш ҳамда ёшларнинг онгу шуурига эзгу ва маънавий ғояларни чуқур сингдиришимиз керак, — дейди Тошкент давлат юридик университети ўқитувчиси, доцент Эшмуҳаммад Қодиров. — Бу фақат маънавий бурчгина эмас, балки сиёсий ва ҳуқуқий эҳтиёж ҳамдир.

Дарҳақиқат, ёшлар тарбияси муҳим аҳамият касб этади. Уларнинг билим ва тафаккурини маърифат билан бойитар эканмиз, юртимиз равнақига улкан ҳисса қўшиб, келажагимиз пойдеворини янада мустаҳкамлаган бўламиз.

Барчамизга маълумки бағрикенглик инсон ҳуқуқларини қарор топтириш, демократия ва ҳуқуқнинг тантанаси учун кўмаклашиш мажбурияти ҳисобланади. Ўзбек халқи ўзининг бутун тарихи давомида, ҳамма вақт бошқа халқлар, миллатлар ва динлар вакилларига нисбатан ўзининг хайрихоҳлик ва ҳурмат билан ёндашишини намоён этиб келган. Бағрикенглик дунёдаги турли маданиятларда ифодаланиши, инсон эркини ҳурмат қилиш, қабул қилиш ва тўғри тушунишни англатади. Уни билим, самимият, очиқ мулоқот ҳамда виждон ва эътиқод вужудга келтиради.

Яна шуни таъкидлаш жоизки, ташкилотчилар томонидан тадбирда иштирок этаётган ёшларнинг тўғри хулоса чиқариши мақсадида “Қиёматга қолган қарз” номли ҳужжатли фильмни ҳам тақдим этди.

Зафар НАЗАРОВ

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

“REAL AUKSION” МЧЖ бошланғич баҳоси боскичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

1. Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси Яккасарой тумани СИБ томонидан савдога қуйидаги мулклар тақроран қўйилмоқда: 2015 йил 24 ноябрдаги 22131/2-сонли ижро ҳужжатига асосан, “Ипак йўли банк” Чилонзор филиали ҳудудида сақланаётган, **1.** Бошланғич баҳоси – 39 500 000 сўм, 2012 йилда и/ч., дав/рақ: 10J575GA бўлган, “Нексия-Донс” русумли; **2.** Бошланғич баҳоси – 23 240 000 сўм, 2011 йилда и/ч., дав/рақ: 01N907NA бўлган, “Матиз-Бест” русумли автотранспорт воситалари.

Аукцион савдоси 2016 йил 3 март куни соат 11:00 да ўтказилади.

2. Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси Миробод тумани СИБ томонидан савдога қуйидаги мулк қўйилмоқда: 2015 йил 20 май кунидаги 10497/3-сонли ижро варақасига асосан, Тошкент шаҳар Сергели тумани Қўшариқ кўчаси манзилида жойлашган “JHD 1.5-2.0 русумли” Пиво чиқиндиларини қайта ишлаш ва қуруқ пиво ачитқисини (дрожисини) ишлаб чиқариш асбоб-ускунаси савдога қўйилмоқди.

Бошланғич баҳоси – 73 000 АҚШ доллари.

Тўлов реализация қилиш кунидаги АҚШ долларининг сўмга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки курси бўйича Ўзбекистон Республикаси сўмида амалга оширилади.

Аукцион савдоси 2016 йил 17 март куни соат 11:00 да ўтказилади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш (соат 10.00 дан 16.00 гача), аукцион бошланишидан, бир кун олдин (Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2016 йил 3 март куни ўтказиладиган савдоларига 2016 йил 1 март соат 16.00 гача; 2016 йил 17 март куни ўтказиладиган савдоларига 2016 йил 15 март соат 16.00 гача) тўхтатилади. Савдога қўйилган мулклар билан талабгорлар тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишишлари мумкин.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини **(закалат пули тўлови, тўланадиган кунидаги АҚШ долларининг сўмга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки курси бўйича Ўзбекистон Республикаси сўмида амалга оширилади)** тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда “REAL AUKSION” МЧЖнинг АИТБ “Ипак йўли” Миробод филиалидаги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: ҳ/р: 20208000104996600001, МФО: 01101, ИНН: 302370235. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, М.Таробий кўчаси, 31-уй. Тел: 254-69-13. **Гувоҳнома № 006795.**

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ

0-2 даража совуқ, кундузи — 12-14 даража иссиқ бўлади.

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, Тошкент шаҳрида **18 февраль** куни ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Кечаси ва эрталаб туман тушиши мумкин. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — **18 февраль** ва **19 февраль** эрталаб Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз йиғилишига имконият яратади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.*

Тошкент оқшоми
Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32
ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95, факс: (371) 233-29-55
2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган
Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
ISSN 2010-9221
Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz
Буюртма Г- 255
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563
Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 13042 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2
Топшириш вақти: 13.00
Нашр учун масъул О. Ҳазратов
Босишга топширилди: 14.40
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй
Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ